

ТУРК ТЕГИРМОНЛАРДА ДОННИ КАЙТА ИШЛАШ ЖАРАЁНИДА МАХСУЛОТ СИФАТИНИ ЎЗГАРИШИ

доцент З.Д.Холмуродова, ҚДТУ

Аннотация. Качество зерна пшеницы прежде всего зависит от климатических условий и правильной организации агротехнологических мероприятий, проводимых в полевых условиях. В настоящее время актуальной задачей является применение современных турецких технологий при переработке зерна для получения высококачественной муки. Использование передовых технологических решений способствует повышению качества готовой продукции, эффективности переработки и конкурентоспособности мукомольной отрасли.

Ключевые слова: технология, агротехнологический, культурный, совершенствование, селекция, высокоурожайный, пшеница, потребление, структурно-механический.

Abstract. The quality of wheat grain primarily depends on climatic conditions and the proper implementation of agrotechnological practices in the field. The application of modern Turkish technologies in grain processing to produce high-quality flour is currently considered an important and relevant task. The use of advanced technological solutions contributes to improving product quality, increasing processing efficiency, and enhancing the competitiveness of the flour-milling industry.

Keywords: technology, agrotechnological, cultivated, improvement, breeding, high-yielding, wheat, consumption, structural-mechanical.

Аннотация: Буғдой донларини сифатли бўлиши аввало иқлим шароитигава дала шароитида олиб борилган агротехнологик тадбирларнинг тўғри ташкил этилишига боғлиқ. Донни қайта ишлаш жараёнида турк технологияларини қўллаб юқори сифатли ун олишни амалга ошириш ҳозирги кунда долзарб масала ҳисобланади.

Таянч сўзлар: технология, агротехнологик, маданий, такомиллаштириш, селекция, серхосил, буғдой, истеъмол, структуравий-механик

Ғалла этиштириш маданияти такомиллашиб бормоқда, республикамизнинг мураккаб иқлим шароитига мослашган янги, серхосил буғдой навларини яратшига қаратилган селекция ишлари яхшиланмоқда, этиштирилаётган доннинг сифати ва истеъмол хусусиятлари ҳам сезиларли даражада ошмоқда.

Энг муҳими одамларнинг, биринчи навбатда деҳқонларнинг эрга, ўз меҳнатининг натижасига бўлган муносабати тубдан ўзгармоқда. Бугун барчамиз

қишлоқда ишлаб чиқариш ва мулкчилик муносабатларини ислоҳ қилиш, деҳқон меҳнатини рағбарлантириш нақадар улкан самара беришни ғаллачилик соҳаси мисолида яққол кўришимиз мумкин.

Фан ва техниканинг ривожланиши натижасида юқори ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган майдаловчи ускуналар, навларга ажратувчи ва элакловчи ускуналар, механик ва пневматик ҳаракатланувчи транспорт мосламаларидан фойдаланишга эришилмоқда. Тегирмон тошларига эга бўлган кичик корхоналар билан бир қаторда, буғ кучидан фойдаланиб ишлайдиган корхоналар, сув турбиналари ва фаолияти электр қувватига асосланган заводлар юзага кела бошлади.

Ун ишлаб чиқариш корхоналарини доимий равишда ишлашини таъминлаш, дондан фойдаланиш даражасини кўтариш, уннинг сифатини яхшилаш, дон захираларидан рационал фойдаланиш учун элеваторларда помол партиялар шакллантирилади. Улар корхонанинг 10 сутка давомида тўхтовсиз ишлашини таъминлаб бериши керак.

Ўзбекистон Республикасидаги энг замонавий тегирмонлари ўтган аср 60-йилларининг охири 70-йилларининг бошида “Бухлер” фирмасининг лицензияси бўйича конструкцияланган 3-авлод ускуналари билан жиҳозланган.

Қашқадарё вилоятида турк тегирмонлари ҳозирги кунда бир нечтани ташкил қилиб уларнинг қувватлари турли ҳил.

Олиб борилган тадқиқот ишларимиз Косон дон маҳсулотлари қабул қилиш маъсулияти чекланган жамиятида ва Қашқадарёдон маҳсулотлари акциядорлик жамиятида Дунё-М акциядорлик жамиятидаги тегирмон сеҳларида олиб борилди.

Майдалаш системадан олдин ун ва кепакларни тортиш бўйича энг замонавий электрон тортиш мосламаси билан жиҳозланган. Бу тарозилардан ахборот компьютерларга узатилади, бу эрда улар қайта ҳисобланади, дон ва тайёр маҳсулот миқдори компьютер хотирасига киритилади, математик операциялар амалга оширилади дон, ун ва кепакнинг ҳаракати графигини ёзади, исталган вақтда дон, ун ва кепак бўйича тегирмон дастлаб ишга туширилган пайтдан бошлаб, ой боши ва смена бошидан ахборот бера олади, ун ва кепакнинг чиқишини ҳисоблайди, смена охирида эса тегирмоннинг иши ҳақида рапорт беради, у тегирмон ҳар соатда қандай юқлама билан ишлагани ва қанча тайёр маҳсулот чиқаргани ва қанча вақт тўхтаб қолганини кўрсатиб туради. Маълумотда қанча маҳсулот ишлаб чиқарилгани, унинг тушуми, шунингдек, қанча донга қайта ишлов берилгани ҳам кўрсатилади.

Тегирмонларнинг 2007 йил февраль ойидаги иш якунлари бўйича дон кулдорлигининг пасайиши 0,16 % ни ташкил этади - бундай кўрсаткичларга бошқа илғор корхоналар бўйича бирорта тегирмонда хатто ғадир-будур юзали

ишлов берувчи ускунадан фойдаланганда ҳам эришилмаган.

Технологик жиҳатдан юқори унумли ускуналар билан дон тозалашнинг биринчи босқичида турли ифлосликлардан 95 % гача тозалаш имконияти мавжуд.

Технологик жараён бир хил навли 76% 1-навли унни саралаб тортиш асосига қурилган, лекин зарурат бўлганда “Патент” унни саралаш вариантини қўллаш мумкин бўлиб, у пневматик тарзда амалга оширилади, уни сақлаш учун эса 4 хил сиғимли уннинг биридан фойдаланади.

Майдолаш ускуналари ва аспирацион қурилмаларнинг ўтиш йўлида вертикал виброцентрофугалдан фойдаланиб, кепакка юқори оксилли, юпка дисперсли мучканинг тушиб қолишига йўл қўймайди.

Олиб борилган ва ўрганилган тадқиқотлар бўйича хулоса қиладиган бўлсак швецария буюллар технологик линиясида ўрнатилган ускуналарнинг ишлаш принципларини фақатгина очиб кўриш ва механик усулда ўрганганишимиз мумкин. Ун чиқишини 24 соатда амалга оширилган бункерда тортилмай қолган дон массаси ва чиққан ун миқдорини билиш фақат қоплагандан сўнг аниқлашга эришилган.

Турк технологиясининг авфзаллиги шундаги барча ускуналарнинг ишлаши ва буғдойни бункерда қанча қолгани ценцирда кўришиб туради маҳсулот чиқимини тўлиқ айтишга эришиш мумкин. Швецария технологиясининг яна бир камчилиги қисқартириш жараёни мавжуд эмаслиги бўлса турк тегирмонида 1 қавват тўлиқ қисқартиришга эришилган шуни ҳисобига маҳсулотни чиқишига ва ишлаб чиқариш жараёнидаги вақтдан ускуналарнинг жойлашган масофаларининг ихчамлиги томонидан устун туради. Яна бир ўзига хос жиҳати шундаки, бир тонна ун ишлаб чиқариш учун сарфланадиган энг паст солиштирма норма республикамызда 75 квт. дан ошмаслигини таъкидлаш лозим. Тайёр маҳсулотлар бўлимининг анъанавий, алоҳида хусусиятлари бу - унни назорат қилиш бевосита уни қопларга жойлашдан олдин амалга оширилади энг замонавий, юқори унумдорликка эга бўлган, электрон бошқарувли тарози юритиш аппарати “Endustriel elektrik” фирмасининг маҳсулотидан фойдаланилади энг замонавий қоп тикиш машинасига эга.

Фойдаланилган адабиётлар:

1.Бутковский В.А.Технология мукомольного, крупяного и комбикормового производства М.ВО «Агропромиздат», 1989.

2.Егоров Г.А., Мельников Е.М., Максимчук Б.М. Технология муки, крупы и комбикормов М: Колос 1984.

3.Егоров Г. А. Мартыненко Я. Ф., Петренко Т. П. Технология и оборудование мукомольной, крупяной и комбикормовой промышленности. Изд-во “Издательский комплекс МГАПП“. М. 1996.

4.Р.Р.Галицкий Оборудование зерно-перерабатывающих предприятий М.:Агропромиздат, 1990.